

ХАЛҚ ПЕДАГОГИЯСИДА МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Хушбақов Д.Қ.

Ўзбекистон Миллий Университети Педагогика ва умумий психология кафедраси таянч докторанти

Аннотация: Мазкур мақола халқ педагогикасида маънавий-ахлоқий ва ижтимоий тарбия масалаларининг ёритилишига бағишланади. Муаллиф мақолада “Авесто”, “Ўрхун-Энасой” ёдгорликлари, Алпомиш достонига эътибор қаратган. Бахшичилик санъати асосида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган достонларнинг халқ педагогикаси ва фольклор жанридаги туганган ўрни масалаларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: маънавий-ахлоқий тарбия, алпомиш, халқ педагогикаси, ижтимоий-экологик тарбия, “Алпомиш”, “Авесто”, халқ оғзаки ижоди.

Маънавий-ахлоқий тарбия халқ педагогикасида асрлар давомида шаклланиб такомиллашиб келган. Болага дастлабки тушунчаларни англантиш, ватанпарварлик, жасурлик, эл-юртни асраш ва ҳимоя қилиш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича яъни энг оддий кўникмаларни – сувга, табиатга, жониворларга бўлган тушунчаларни англантишдан бошланади. Халқ педагогикаси маънавий-ахлоқий тарбия, ижтимоий-экологик тарбия жараёнида ўрни ва аҳамияти катта. Халқ педагогикасида тарбия механизмларининг асосий тамойили – келажак авлодга ахлоқ ва хулқ тамойилларини ўргатиш, табиат ва жамият муносабатларини тўғри сингдириш, атроф – муҳитга нибатан масъулиятни шакллантириш, аввало ўз уйини, оиласини ва ўзи яшаб турган жамиятни атрофидаги оламни асрашни ўргатишдир. Халқ педагогикасининг бошланғич бешиги – бу оиладаги ва яшаб турган жамиятдаги муҳитдир. Халқимизда бир болага етти маҳалла ота – она деб бежиз айтилмаган. Туркий халқлар маҳаллада истиқомат қилишини инобатга оладиган бўлсак ён атрофимиз, маҳалла, қўни-қўшничилик билан боғлиқ бўлган анъаналаримиз, қадриятларимиз кўп. Тарбия фақатгина педагогик жараёнда эмас, балки ҳар бир бола яшаб турган муҳитда, оилада, маҳалладаги жараёнлар, жойдаги инсонларнинг бир-бири билан, жонли ва жонсиз табиат билан бўлган муносабатларида ҳам акс этади. Тарбия методларида тушунтириш, кузатиш, хикоя, намуна кўрсатиш, суҳбат, мунозара методлари жуда

самарали методлар ҳисобланади. Мана шу методларнинг барчаси оилада, атрофда, жамиятда, маҳаллада кузатилади. Айниқса, бола мактаб ёшига етгунча ён-атрофдаги инсонларнинг бевосита ҳаракатини кузатиб улардан ўрганиш, тақлид қилиш ривожланади. Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади”, “Олмани тагига олма тушади” каби мақоллар борки, йиллар давомида халқ оғзаки ижоди жанри сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Ўрта Осиё халқлари педагогикаси тарихи эрампдан аввалги 4- 6 асрларга Авесто битикларига, Ўрхун – Энасой ёдгорликларига бориб тақалади. Авесто қадимги маънавий меърос сифатида тарихий, маънавий, тарбиявий аҳамияти катта. Шунингдек, битиктошлардаги ёзувлар, Алпомиш, Гўрўғли каби достонлар ҳам маънавий аҳамиятга эга манбаалардан ҳисобланади. Достонлар халқ оғзаки ижоди намуналаридан бўлиб бахшичилик санъати орқали авлоддан – авлодга ўтиб келган нодир ёдгорликлардир.

Бахши – терма, қўшиқ ва достонларни сақловчи, ёддан куйловчи, айтувчи, авлоддан-авлодга етказувчи санъаткор, халқ достончиси²⁵. Унинг ширали овози, дўмбирасидан таралаётган куй инсон қалбини беихтиёр тўлқинлантиради, жунбушга келтиради. Бахши халқ турмуши ва маданиятини, ўзи яшаб турган юрт тарихини ва бирор чолғу чалишни билиши, хонандалик санъатини пухта эгаллаган бўлиши керак. У жонли халқ тилининг турли шаклларида, сўз ўйинлари ва қочиримларидан, халқ мақоллари ва ибораларидан унумли фойдалана олиши лозим. Тингловчиларни ром этувчи оҳанг топа билиш, достонни жозибали ва қизиқарли қилиб айтиш достон айтишнинг асосий талабларидан. Бу эса, ўз навбатида табиий истеъдод, кучли идрок, мунтазам равишда қунт ва чидам билан машқ қилишни талаб этади. Она юртга садоқат, муҳаббат, дўстлик, биродарлик, қаҳрамонликни тараннум этувчи хилма-хил мазмундаги достонларни бахшилар севиб куйлайдилар. Бахшилар томонидан ижрочилик ижоди бахшичилик санъати дейилади²⁶.

Ўзбекистонда яшаб ижод этган бахши ва шоирлардан Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил бахши, Ислон шоир, Пўлкан шоир, Бола бахши Абдуллаев, Шоберди Болтаев, Боборайим Маматмуродов, Абдуназар Поёнов, Қора бахши Умиров кабиларни айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 январдаги қарорига ҳамда ЮНЕСКО нинг 1999 йилдаги тадбирлар

²⁵ <http://ich.uz/uz/ich-of-uzbekistan/national-list/domain-2/327-bakhshi-art>

²⁶ <http://ich.uz/uz/ich-of-uzbekistan/national-list/domain-2/327-bakhshi-art>

режасига биноан Ўзбекистонда 1999 йилда “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланди.²⁷ Сўнги тантаналар 1999 йилнинг 6 ноябрида Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерда халқаро илмий конференция ўтказилди, Алпомиш номидаги боғ барпо этилди ва халқ қаҳрамонига ҳайкал очилди. “Алпомиш”нинг атоқли халқ бахшилари куйлаган вариантлари қайта нашр этилди. Достон ҳақида ҳужжатли ва бадиий фильм, унинг мотивлари асосида театр спектакллари яратилган. Алпомиш достонининг бадиий, тарбиявий ва педагогик аҳамияти, маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-педагогик жиҳатларини бир қанчасини таъкидлаш мумкин. Зеро достондаги қаҳрамонлик, эл-юртини севиш, муҳаббат ва садоқат тушунчалари йиллар давомида авлодлар тарбиясида муҳим ўрин тутиб келган. Мардлик, ҳар қандай ҳолатда ҳам сотқинликка йўл қўймаслик, эр-ийгитлар нафақат ватан ва жамият олдида, балки, ўз виждони олдида ҳам жавобгар эканини яққол тасвирловчи ушбу достон яна минглаб йиллар ёш авлод маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Abdullayeva, G. A. (2020). The problem of quality in the modern education system. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(8), 289-294.
2. Мардиева, Г. (2023). ОИЛА - ШАХСНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВ МАСКНИ СИФАТИДА. *Results of National Scientific Research International Journal*, 2(1), 239–246.
3. Хамрокулова Шахноза Эркиновна (2022). УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЮҚОРИ СИНФЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ БЕРИШНИНГ ПЕДАГОГИК–ДАСТУРИЙ ИМПЛЕМЕНТАЦИЯСИ. *Современное образование (Ўзбекистан)*, (3 (112)), 47-52.
4. Хамрокулова, Ш., & Тулишов, Г. (2023). ОИЛА – ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ СУБЪЕКТИ. *Results of National Scientific Research International Journal*, 2(1), 291–296.
5. Khaydarova Xilola Rahimberdievna. (2022). Development of Virtual-Pedagogical Culture in Parents: Theory and Practice. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 9, 95–99.

²⁷ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/alpomish-uz/>